

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҚОШИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.20/13.05.2020.I.23.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ
ҲУЗУРИДАГИ ЁШЛАР МУАММОЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА
ИСТИҚБОЛЛИ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ**

УСМОНОВ АДХАМЖОН АЪЗАМЖОНОВИЧ

**ТАШКИЛОТДА ХОДИМЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-
МОТИВАЦИОН МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЙЎЛЛАРИ (ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАР ИШЛАРИ
АГЕНТЛИГИ МИСОЛИДА)**

08.00.13 – Менежмент

08.00.10 – Демография. Меҳнат иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
on economical sciences**

Усмонов Адхамжон Аъзамжонович

Ташкилотда ходимларни бошқаришнинг ташкилий-мотивацион
механизмларини такомиллаштириш йўллари (Ўзбекистон Республикаси
Ёшлар ишлари агентлиги мисолида)3

Усмонов Адхамжон Аъзамжонович

Пути совершенствования организационных и мотивационных механизмов
управления персоналом в организации (на примере Агентства по делам
молодежи Республики Узбекистан)27

Usmonov Adkhamjon Azamjonovich

Ways to improve the organizational and motivational mechanisms of personnel
management in the organization (on the example of the Agency for Youth Affairs
of the Republic of Uzbekistan)51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....56

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҚОШИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.20/13.05.2020.I.23.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ
ҲУЗУРИДАГИ ЁШЛАР МУАММОЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА
ИСТИҚБОЛЛИ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ**

УСМОНОВ АДХАМЖОН АЪЗАМЖОНОВИЧ

**ТАШКИЛОТДА ХОДИМЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-
МОТИВАЦИОН МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЙЎЛЛАРИ (ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАР ИШЛАРИ
АГЕНТЛИГИ МИСОЛИДА)**

08.00.13 – Менежмент

08.00.10 – Демография. Меҳнат иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ватанлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Iqt1519-рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш ваб-саҳифасида (www.dba.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Нуриμβетов Равшан Ибрагимович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Ханкелдиева Гўзал Шеровна
иктисодиёт фанлари доктори, профессор
Абдурахмонова Гулнора Қалаандаровна
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Тошкент молия институти

Диссертация химояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги илмий даражалар берувчи DSc 20/13.05.2020.1.23.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2023 йил «10» сентябрь кунини соат 16 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: (99871) 232-60-47, факс (99871) 239-17-83; e-mail: info@dba.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (13 рақам билан рўйхатга олинган.) Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: (99871) 232-60-47, факс (99871) 239-17-83; e-mail: info@dba.uz.

Диссертация автореферати 2023 йил «16» сентябрь да тарқатилди.
(2023 йил «06» сентябрь даги 15 рақамли реестр баённомаси.)



А.Ш. Бекмуродов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, иктисодиёт фанлари доктори, профессор

А.Х. Холов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий қотиби, иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Д.Н. Раҳимова

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик Илмий семинар раиси, иктисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ходимларни бошқаришнинг ташкилий-мотивацион механизмларини такомиллаштириш ҳамда бошқарув соҳасини тубдан ислоҳ қилиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Мураккаб вазиятларда менежер ва HR мутахассислари томонидан ташкилотнинг асосий ресурси бўлган ходимларнинг ташкилотга содиқлигини ошириш, мотивациялаш, ишга жалб қилиш, малакасини ошириш ва заҳира кадрларни шакллантириш чоралари кўрилиб, уларнинг меҳнат фаолиятини барқарор сақлаб қолишга замин яратилмоқда. Делойт халқаро ташкилотининг тадқиқотларига кўра, «бутун дунёдаги 9 минг компаниянинг 80 фоизи ходимларга ғамхўрлик қилиш ташкилот муваффақиятининг энг муҳим мезони»¹ эканлиги таъкидланган. Ташкилотда ходимларни бошқаришнинг ташкилий-мотивацион механизмларини менежерларнинг ходимларга ғамхўрлик қилиши, уларнинг молиявий ва тиббий аҳволини яхшилаш жиҳатидан такомиллаштириш устувор вазифа бўлиб қолмоқда.

Жаҳон мамлакатларида ходимларни бошқариш жараёнини такомиллаштиришга доир илмий-услубий, илмий-назарий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, ходимларни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари, меҳнатни рағбатлантириш, иш самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, фаолият самарадорлигига таъсир қилувчи мотивацион омилларни аниқлаш, иқтидорни бошқариш фаолиятини такомиллаштириш ҳамда корхонанинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашга қаратилган тадқиқотлар шулар жумласидан. Ёшлар ташкилотида ходимларни бошқариш самарадорлигини таъминлаш, ташкилий-мотивацион ва иқтисодий механизмларни такомиллаштириш, кадрлар қўнимсизлиги даражасини камайтириш, вазифаларни тўғри тақсимлаш, ташкилотда кадрлар муаммоларни таҳлил қилишда «HR-метрика» усулидан фойдаланиш, ходимларнинг ташкилотга содиқлиги (eNPS) ва ишга жалб қилинганлик даражасини ўрганиш каби устувор йўналишлар асосий илмий тенденциялар ҳисобланади.

Ўзбекистонда кейинги йилларда ходимларни бошқариш ва уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тизими ҳамда давлат хизматчисининг таснифи ва ҳуқуқий мақомини ошириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар муҳим аҳамият касб этмоқда. «Ўзбекистон давлат хизматида замонавий фикрлайдиган, ташаббускор, масъулиятли, касбий тайёрланган кадрларни жалб этиш вазифалари белгиланди»². Бу борада мамлакатда ёшлар ташкилотларини кўллаб-қувватлаш ва фаолият самарадорлигини таъминлаш, уларда ходимларни замонавий менежмент усуллари асосида бошқаришнинг ташкилий-мотивацион механизмларини такомиллаштириш,

¹ 2021 Deloitte global human capital trends report // Deloitte Insights [electronic resource] p.12

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Рес публикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 й., 6-сон, 70-модда.

ташкilotларда ходимлар бошқаруви самарадорлиги тўғрисида тизимли ахборот берувчи HR-метрика (HR metrics) ўлчовидан фойдаланишни кенгайтириш, ходимларни бошқаришнинг ташкилий-мотивацион механизми самарадорлигининг мақбул иш режими, лавозимда ўсиш ва мустақил қарор қабул қилиш имкониятларини яратиш омиллари билан боғлиқ ҳолдаги асосий фаолиятнинг прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш тақозо этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2019 йил 3 октябрдаги ПФ-5843-сон «Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 30 июндаги ПҚ-4768-сон «Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида», 2019 йил 9 декабрдаги ПҚ-4546-сон «Бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкilotлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ташкilotни самарали бошқариш масалалари илмий менежмент мактаби намояндалари: Р. Акофф, Ф. Тейлор, М. Мескон, П. Друкер, А. Файол, И. Ансофф каби етук олимларнинг илмий ишларида батафсил ёритилган³. Шунингдек, ходимларни самарали бошқаришнинг мотивацион назариялари ва унинг фундаментал асосларини тадқиқ этган олимларни икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчиси, мотивациянинг мазмунли назарияси асосчилари: А. Maslou, D. Makklelland, F. Hertsberg, B. Genkin ва бошқалардир⁴. Иккинчи жараёнли назария тарафдорлари: V. Vroom, J.S. Adams, L. Porter ва E. Lawler ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Мазкур масала Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан В.Р. Веснин, О.С. Виханский, А.И. Наумов, А.Я. Кибанов, Ю.Т. Одегов, П.В. Журавлев, Л.Ю. Боронтова, В.В. Дороффенко,

³ Акофф Р. (1985). Планирование будущего корпораций; Ф.Тейлор. (1991) Принципы научного менеджмента; Мескон М. и др., (2007) Основы менеджмента; Друкер П., (2008). Менеджмент: задачи, обязанности, практика; Файоль А. (1923) Общее и промышленное управление; Ансофф И. (1989) Стратегическое управление.

⁴ Maslow A. (1987). Motivation and Personality; Макклеланд Д. (2007). Мотивация человека; Херцберг Ф., Моснер Б., Снيدرман Б. (2007). Мотивация к работе; Генкин Б. М. (2003). Экономика и социология труда: учебник для вузов.

А.В. Дейнека ва бошқалар томонидан ўрганилган⁵.

Ўзбекистон Республикасида менежмент ва ташкилотни самарали бошқариш муаммолари Қ.Х. Абдурахмонов, С.С. Фуломов, Д.Н. Раҳимова, Ш.Н. Зайнутдинов, Н.Қ. Йўлдошев, М.А. Икрамов, А.Х. Қўчқоров, Ш.Р. Холмўминов, А.Б. Ҳайитов, М. Шарифхўжаев, Ё.А. Абдуллаев, Р.И. Нуримбетов, Г.Қ. Абдурахмонова, Н.С. Исмаилова, М.М. Юлдашева, М.С. Мустафаева, А.М. Акбаров, Г.А. Адилова, Н.У. Арабов⁶ ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Манбалар таҳлили шуни кўрсатдики, ходимларни бошқариш, улар билан ишлаш, саралаш муаммоси кўплаб олимлар томонидан ўрганилган, аммо бу ишларда ёш истиқболли ходимларни бошқаришнинг ташкилий-мотивацион механизмларини такомиллаштириш масалалари яхлит тизим сифатида ўрганилмаган. Шу боисдан мазкур тадқиқотда ушбу муаммоларни ҳал этиш юзасидан илмий-назарий, илмий-услубий ва илмий-амалий изланишлар олиб борилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-20170927486 «Ёш раҳбар кадрларнинг бошқарув салоҳиятини аниқлаш ва мансаб поғоналарида ўсиш истиқболлини белгилаш технологиялари» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ходимларни бошқаришнинг ташкилий-мотивацион механизмларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

глобаллашув шароитида «ходимларни бошқаришнинг ташкилий-мотивацион механизми» тушунчасининг назарий ва услубий асосларини очиб бериш;

ходимларни бошқаришнинг ташкилий-мотивацион механизмини

⁵ Веснин В.Р. (2017) Основы менеджмента. Учебник; Виханский О.С., Наумов А.И. Менеджмент: учебник (2014); Кибанов А.Я. (2014) Основы управления персоналом: учебник. - 3-е изд., перераб. и доп.; Одегов Ю.Т., П.В. Журавлев. (1997) Управление персоналом, Боронтова Л.Ю. Совершенствование организационно-мотивационного механизма управления персоналом промышленных предприятий / дисс. на соискание ученой степени к.э.н.: 08.00.05. – Москва, 2015. – С.156; Спивак В.А. (2000) Организационное поведение и управление персоналом; Дороффенко В.В. (2008) Управление персоналом: Графическое моделирование; Шекшня С.В. (2003) Управление персоналом современной организации.

⁶ Абдурахмонов Қ.Х., Холмўминов Ш.Р., Ҳайитов А.Б., Акбаров А.М. Ходимларни бошқариш. Дарслик. – Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2005. – Б.240; Абдурахмонов Қ.Х., Холмўминов Ш.Р., Ҳайитов А.Б., Акбаров А.М. Персонални бошқариш. Дарслик. – Т.: «Иқтисодиёт» нашриёти, 2014. – Б.337; Фуломов С. Менежмент асослари. – Т.: Шарқ, 2002. – Б.326; Зайнутдинов Ш.Н., Нуримбетов Р.И. Персонални бошқариш. Дарслик – Т.: «Янги йўл полиграф сервис», 2007. – Б.320; Йўлдошев Н.Қ. Стратегик менежмент. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2013. – Б.140; Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. – Т.: Ўқитувчи, 2001. – Б.704; Раҳимова Д.Н., Абдурахмонов Қ.Х. ва бошқ. Замонавий менежмент: назария ва амалиёти. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси. – Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2009. – Б.792; Икрамов М.А., Қўчқоров А.Х. Стратегик менежмент. Ўқув қўлланма. – Т.: Тошкент авиация институти. 2005. – Б.136; Абдурахмонова Г.Қ. Инсон ресурсларини бошқариш. Дарслик – Т.: Ўз.Р.ФА «Фан» нашриёти ДҚ. 2021. – Б.692.

такомиллаштиришнинг илғор хориж тажрибаси ва Ўзбекистон шароитида уларни қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистонда ёшлар ташкилотлари ходимларини бошқаришнинг ташкилий-мотивацион тизими ривожланишининг институционал асосларини тадқиқ этиш;

Ёшлар ишлари агентлигида ходимларни бошқаришнинг ташкилий-мотивацион тизими жорий ҳолатини таҳлил қилиш ва устувор йўналишлари самарадорлигини баҳолаш услубиётининг ижтимоий ва иқтисодий моҳиятини асослаш;

Ёшлар ишлари агентлигида ходимларни бошқаришнинг ташкилий-мотивацион тизимидаги муаммоларни тадқиқ қилиш ва уларни социологик сўровнома асосида ўрганиш;

янги ислохотлар шароитида ёш ходимларни бошқаришнинг ташкилий-мотивацион механизмини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш ҳамда фаолият самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги бошқарув фаолияти танланган.

Тадқиқотнинг предметини ходимлар бошқарувини такомиллаштириш жараёни билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида илмий абстракция, индукция ва дедукция, сўровнома, статистик гуруҳлаш, тизимли таҳлил ва регрессион таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ташкilotда ходимлар бошқаруви самарадорлиги тўғрисида ахборот берувчи HR-метрика (HR metrics) ўлчови тизимидан фойдаланишда ёшлар ташкilotлари фаолият хусусиятларини инобатга олган ҳолда Ёшлар ишлари агентлиги ходимларини бошқариш даражасини баҳолаш аниқлигини ошириш таклифи асосланган;

ходимларни бошқариш самарадорлигининг халқаро миқёсдаги оптимал ҳамда миллий миқёсдаги ҳақиқий даражалари (тегишли равишда: содиқлик кўрсаткичи ($eNPS = 0 - 10\%; 13,5\%$), ташкilotда вакансияларни тўлдириш тезлиги ($BTT = 26 \text{ кун}; 22,5 \text{ кун}$), ходимларнинг ўз иш фолиятига жалб қилинганлик даражаси ($ЖҚД = 50\%; 77,4\%$) асосида Ёшлар ишлари агентлигида ходимларни бошқариш фаолияти такомиллаштирилган;

ёшлар ташкilotлари ходимларини бошқаришнинг ташкилий-мотивацион механизмларини Ёшлар ишлари агентлигининг ҳудудий бошқармалари таркибий тузилмасида Ёшлар бандлигини таъминлаш ва тадбиркорлигини ривожлантириш сектори фаолиятини йўлга қўйиш орқали такомиллаштириш таклифи асосланган;

Ёшлар ишлари агентлиги асосий фаолият кўрсаткичларининг 2026 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари ходимларни бошқаришнинг ташкилий-мотивацион механизми самарадорлигининг *мақбул иш режими, лавозимда ўсиш ва мустақил қарор қабул қилиш имкониятларини* яратиш омиллари

билан боғлиқлигини ифодаловчи эконометрик модель асосида ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси куйидагилардан иборат:

ташкilotда ходимлар бошқаруви самарадорлиги тўғрисида ахборот берувчи HR-метрика ўлчови тизимидан фойдаланилиб, ёшлар ташкilotлари фаолиятини баҳолаш имкониятлар тизимлаштирилган;

ходимларни бошқариш самарадорлигининг халқаро миқёсдаги оптимал ҳамда миллий миқёсдаги ҳақиқий даражалари асосида Ёшлар ишлари агентлигида ходимларни бошқаришнинг ташкилий-мотивацион тизими фаолияти такомиллаштирилган;

Ёшлар ишлари агентлигининг ҳудудий бўлинмалари ташкилий тузилмасини ўзгартириш орқали ходимларни кўшимча моддий рағбатлантириш имконияти очиб берилган;

Ёшлар ишлари агентлигида ходимларни бошқаришнинг ташкилий-мотивацион механизмига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш бўйича сўровнома ишлаб чиқилиб, энг устуворларини белгилашда фойдаланиш юзасидан эконометрик модель тузилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда қўлланган усулларнинг замонавийлиги ва илмийлиги, берилган илмий-услубий тавсиялар ҳамда яратилган ишланмаларнинг расмий ташкilotлардан олинган маълумотларга асосланганлиги, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва тавсияларнинг тегишли ташкilotлар томонидан тан олинганлиги ва амалиётга жорий этиш учун қабул қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган дастур, модель, механизм ва тавсиялардан илмий ходимлар томонидан қўлланма ва услубий тавсиялар тайёрлаш, Ёшлар ишлари агентлиги раҳбарлари ва ходимлар, кадрлар билан ишлаш бўйича мутахассисларнинг малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш тизимлари мазмунини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса ёшлар сиёсати соҳасида, хусусан, Ёшлар ишлари агентлиги тизимида замонавий менежмент ёндашувларини тадқиқ этиш, таклиф этилган ходимларни бошқариш модели ва механизмларидан Агентлик ва унинг тизимидаги ташкilotлар фаолиятида, соҳа бўйича бошқарув аппарати функцияларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги, шу билан бирга, тадқиқот натижаларидан «Инсон ресурсларини бошқариш» ва «Ижтимоий соҳа менежменти» фанлари бўйича кейс-стадилар, маърузалар матни, ўқув қўлланмалари тайёрлашда илмий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ташкilotда ходимларни бошқаришнинг ташкилий-мотивацион механизмларини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

ташкilotда ходимлар бошқаруви самарадорлиги тўғрисида ахборот берувчи HR-метрика (HR metrics) ўлчови тизимидан фойдаланишда ёшлар

ташкilotлари фаолият хусусиятларини ифодаловчи кўшимча кўрсаткичларни қўллаган ҳолда Ёшлар ишлари агентлиги ходимларини бошқариш даражасини баҳолаш аниқлигини ошириш таклифидан агентликнинг «Инсон ресурсларини бошқариш» бўлими фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг 2021 йил 8 июлдаги 4-13-23-1800-сон маълумотномаси, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2021 йил 8 июлдаги 04-13/1189-сон маълумотномаси). Натижада Агентликнинг «Инсон ресурсларини бошқариш» бўлими иш самарадорлигини оширишга, кадрлар қўнимсизлигини 5 фоизга камайтиришга эришилган, ходимлар фаолиятини мониторинг қилиш ва ҳисоботлар тайёрлаш 2 бараварга осонлашган;

ходимларни бошқариш самарадорлигининг халқаро миқёсдаги оптимал ҳамда миллий миқёсдаги ҳақиқий даражалари (тегишли равишда: содиқлик кўрсаткичи (eNPS = 0 – 10%; 13,5%), ташкilotда вакансияларни тўлдириш тезлиги (BTT = 26 кун; 22,5 кун), ходимларнинг ўз иш фoлиятига жалб қилинганлик даражаси (ЖҚД = 50%; 77,4%) асосида Ёшлар ишлари агентлигида ходимларни бошқариш фаолияти такомиллаштирилган (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг 2021 йил 8 июлдаги 4-13-23-1800-сон маълумотномаси). Натижада ходимлар фаолиятини таҳлил қилиш, уларни ўз иш фoлиятига жалб қилинганлик даражасини ҳисоблаш ва вакансиялар билан ишлаш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилиб, кадрлар иш юритувида иш самарадорлигининг сезиларли даражада ошишига эришилган;

ёшлар ташкilotлари ходимларини бошқаришнинг ташкилий-мотивацион механизмларини Ёшлар ишлари агентлигининг ҳудудий бошқармалари таркибий тузилмасида Ёшлар бандлигини таъминлаш ва тадбиркорлигини ривожлантириш сектори фаолиятини йўлга қўйиш орқали такомиллаштириш таклифи Ёшлар ишлари агентлиги томонидан қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг 2021 йил 8 июлдаги 4-13-23-1800-сон маълумотномаси). Натижада Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари тузилмаларига ўзгартиришлар киритиш тегишли ташкilotлар орқали мувофиқлаштирилган;

Ёшлар ишлари агентлиги асосий фаолият кўрсаткичларининг 2026 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари ходимларни бошқаришнинг ташкилий-мотивацион механизми самарадорлигининг мақбул иш режими, лавозимда ўсиш ва мустақил қарор қабул қилиш имкониятларини яратиш омиллари билан боғлиқлигини ифодаловчи эконометрик моделдан Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги фаолиятининг истиқболдаги дастурларини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг 2021 йил 8 июлдаги 4-13-23-1800-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги фаолиятининг истиқболдаги асосий фаолият кўрсаткичларини ўзаро мувофиқлаштириш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур илмий тадқиқот натижалари 4 та халқаро, 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси натижалари бўйича жами 15 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси ОАК эътироф этган журналларда 3 та, нуфузли хорижий журналларда 3 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий конференция материаллари тўпламларида 9 та маъруза тезислари нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 134 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгиликлари ва амалий аҳамияти изоҳлаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Ташкилотда ходимларни бошқаришнинг ташкилий-мотивацион механизмларининг назарий-методологик асослари» деб номланган биринчи бобида глобаллашув шароитида «ходимларни бошқариш» тушунчасининг мазмун-моҳияти, ўзига хос жиҳатлари, ташкилотда ходимларни бошқаришнинг ташкилий-мотивацион механизми, унга таъсир этувчи омиллар ҳамда илғор хориж тажрибаларига оид фикрлар ва ёндашувларнинг назарий жиҳатлари тизимлаштирилиб, муаллифнинг илмий қарашлари баён қилинган.

Тадқиқотда етук хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий тадқиқотларида «ходимларни бошқариш», «ходимларни бошқаришнинг ташкилий-мотивацион механизмлари» каби тушунчаларга берилган таърифлар, уларнинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган.

Хусусан, соҳа бўйича кўплаб изланиш ва тадқиқотлар олиб борган С. Шапиро «Ходимларни бошқариш – корхона (ташкилот, муассаса)ни кадрлар билан таъминлаш, улардан самарали ва оқилона фойдаланишни ташкил этиш ҳамда касбий ва ижтимоий ўсиш жараёнидир», деб таъриф берса, Т. Аҳаммаднинг фикрича, ходимларни бошқариш бу – ташкилий фаолият учун зарур бўлган кадрлар билан таъминлаш, иш берувчи ва ишчи ўртасидаги умумий муносабатларни бошқариш учун мавжуд бўлган бизнеснинг маъмурий функциясидир⁷. В. Спивак ходимларни бошқаришни комплекс фан сифатида эътироф этади. Унга кўра, ходимларни бошқариш – бу ташкилий-иқтисодий, маъмурий-бошқарув, технологик, ҳуқуқий, гуруҳий ва шахсий омиллар асосида ходимларга ташкилотнинг самарадорлигини

⁷ Ahammad T. Personnel Management to Human Resource Management (HRM): How HRM Functions? David Publishing Company, Journal of Modern Accounting and Auditing, November 2017, Vol. 13, No. 9, 412-420 p.

ошириш ва мақсадларига эришиш учун таъсир ўтказиш усуллари ва услублари ҳақидаги комплекс амалий фан⁸ ҳисобланади.

Ўзбек олимларидан Қ. Абдурахмонов, Ш. Холмўминов, А. Ҳайитов ва А. Акбаровларнинг фикрича⁹, ходимларни бошқариш – корхона, фирма даражасида ишчи кучи потенциалининг нормал ривожланиши, амал қилиши ва ундан самарали фойдаланиш юзасидан ўзаро боғланган ташкилий-иқтисодий ва ижтимоий чора-тадбирлар тизими ҳисобланади. Муаллиф томонидан олиб борилган тадқиқотлар асосида ходимларни бошқариш категорияси атрофлича ўрганилиб, ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган.

«Ходимларни бошқаришнинг ташкилий-мотивацион механизми» категорияси ҳам бир қатор олимлар томонидан тадқиқ этилган. Жумладан, Н. Квашанинг фикрига кўра, корхонанинг ташкилий-мотивацион механизми иқтисодий воситалар ва ахлоқий, психологик ва ижтимоий характердаги рағбатлантирувчи воситалар тизимини ўз ичига олади, улар мотивлар вазифасини бажаради, ишлашга ундайди¹⁰. Н. Пряжников фикрича, ушбу механизм – мақсадларга эришишни таъминлаш учун ишлайдиган ходимларга таъсир кўрсатишнинг амалий воситалари ва усуллариининг мураккаб тизимидир¹¹. О. Акимова мотивацион механизми ходимлар ва уларнинг меҳнат фаолиятига таъсир ўтказиш орқали компания фаолиятининг якуний натижаларига қизиқишини таъминлаш, ўзаро боғлиқ шакллар ва усуллар, воситалар ва схемаларнинг мураккаб тизими сифатида кўради¹².

Демак, ходимларни бошқаришнинг ташкилий-мотивацион механизмини ўрганишнинг мавжуд назарияси ва олимларнинг олиб борган тадқиқотларидан келиб чиқиб, мазкур категорияни ташкилотнинг фаолият йўналишидан келиб чиққан ҳолда иш жараёнини режалаштириш, ташкил этиш, мотивациялаш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш орқали фаолият натижадорлигини таъминловчи ижтимоий-иқтисодий комплекс чора-тадбирлар тизими сифатида кўриш мумкин.

Тадқиқот давомида муаллиф томонидан ходимларни бошқаришнинг ташкилий-мотивацион механизмининг хориж тажрибасини ёшлар ташкилотларига боғлиқ равишда тадқиқ этилган. Чет эл моделларининг энг кўп тарқалган ва амалиётда натижадорлиги билан синовдан ўтганлари таҳлил қилиниб, уларнинг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилган. Ходимларни бошқариш самарадорлиги бўйича мавжуд хорижий тажрибанинг айрим жиҳатларини Ўзбекистонда ёшлар ташкилотлари амалиётига жорий қилиш мумкинлиги муаллиф томонидан изоҳлаб берилган.

Диссертациянинг «Ёшлар ишлари агентлигида ходимларни

⁸ Спивак В.А. Организационное поведение и управление персоналом. – СПб: Издательство «Питер», 2000. – С.13.

⁹ Абдурахмонов Қ.Х., Холмўминов Ш.Р., Ҳайитов А.Б, Акбаров А.М. Ходимларни бошқариш. Дарслик. – Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2005, 32 б.

¹⁰ Кваша Н. Некоторые вопросы мотивации труда в сельскохозяйственном производстве // Экономика Украины. 2004. № 1. - С.23-32.

¹¹ Пряжников Н. С. Мотивация и стимулирование трудовой деятельности: учебник и практикум для академического бакалавриата. – Москва: Издательство «Юрайт», 2019. – 365 с.

¹² Акимова О. Е. Мотивация предпринимательского труда: теория и практика. – Волгоград: ВолГТУ, 2012. – 109 с.

бошқаришнинг ташкилий-мотивацион механизмининг амалдаги ҳолати таҳлили» деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистонда ёшлар ташкилоти ходимларини бошқаришнинг ташкилий-мотивацион тизими ривожланишининг институционал асослари, Ёшлар ишлари агентлигида ходимларни бошқаришнинг ташкилий-мотивацион тизимининг жорий ҳолати ҳамда устувор йўналишларини баҳолаш самарадорлиги таҳлил қилинган.

Муаллиф томонидан тадқиқот ишида замонавий менежментнинг муҳим дастакларидан бири бўлган SWOT-таҳлил усулидан фойдаланган ҳолда Ёшлар ишлари агентлигида ходимларни бошқариш тизимининг кучли ва кучсиз томонлари, имконият ҳамда мумкин бўлган таҳдидлар батафсил тадқиқ этилди.

Тадқиқотчи томонидан Ўзбекистон Республикаси ёшлар ишлари агентлигининг ҳудудий бўлинмалари мисолида ходимларни бошқариш ва уларни рағбатлантириш тизими 3 та социологик сўровнома орқали тадқиқ қилинган. Улар қуйидагилар:


1. Ёшлар ишлари агентлигида ходимларнинг меҳнат фаолияти ва иш самарадорлигига таъсир этувчи мотивацион омилларни аниқлашга қаратилган сўровнома – n=319.

2. Ходимларнинг ишга жалб қилинганлик ҳолатини аниқлашга қаратилган «Gallup Q12» методологияси бўйича сўровнома – n=281.

3. Жон Мейер ва Натали Алленнинг «Ташкилий содиқлик ўлчови» анкета-сўровномаси – n=281.

Ёшлар ишлари агентлигида ходимларнинг меҳнат фаолиятига таъсир этувчи омилларни аниқлаш бўйича тақдим этилган n=319 сўровномасининг натижалари шуни кўрсатдики, Агентликнинг ҳудудий бўлинмаларида ходимларнинг асосий қисми иш режими (282), лавозимда ўсиш имконияти (194) ва ходимлар учун яратилган шароитлардан (143) қониқмайдилар (1-расм).

Мазкур омиллар ташкилотнинг ходимлар бошқарувини самарали таъминлашга таъсир этувчи асосий омиллар ҳисобланади. Шу сабабли агентлик томонидан ушбу йўналишлар бўйича чора-тадбирларни кучайтиришга эътибор қаратиш керак бўлади. Шунингдек, респондентларнинг 307 нафари жамоа билан муносабатдан қониқишини билдирса, 294 нафари раҳбарларнинг қўл остидаги ходимларига нисбатан муносабатини ижобий баҳолайди. Қониқарсиз баҳоланган омиллар бевосита Агентлик тизимидаги ходимларнинг содиқлигини таъминлашга, иш самарадорлигининг ошишига ва ташкилий-мотивацион тизимга бевосита таъсир кўрсатади. Шу сабабли иш самарадорлигини ошириш, ходимларнинг ташкилотга дахлдорлик ҳисси ва содиқлик даражасини янада кучайтириш учун юқорида келтирилган ва респондентлар томонидан қониқиш кўрсаткичи паст бўлган омилларни бартараф этиш чораларини кўриш мақсадга мувофиқ.



1-расм. n=319 сўровномаси: Меҳнат фаолиятингизга таъсир этувчи қуйида келтирилган омилларга ўз муносабатингизни билдиринг¹³.

Ходимларни ўз иш фойлиятига жалб қилинганлик даражасини ўрганиш бўйича «Gullup Q12» сўровномасидан фойдаланилди. Унга кўра, Агентликнинг жами 281 нафар ходими қамраб олинди. Шундан 65 нафарини раҳбарлар ва 213 нафарини мутахассисларни ташкил этди. 213 нафар мутахассис орасидан раҳбарлар сонига мос равишда тасодифий танланма асосида 65 нафар ходим ажратиб олиниб, Агентлик ходимларининг ишга жалб қилинганлик даражаси раҳбарлар ва мутахассислар ўртасида тафовутлар маълумотларни қайта ишлаш дастури SPSS 26.0 версияси орқали Mann-Whitney (U) мезонида текширилди.

1-жадвалда келтирилган натижаларга кўра, кўрсаткичларнинг таққослама таҳлили ишга жалб қилинганлик даражаси бўйича раҳбар ва мутахассис ўртасида U-мезони ($p=0,001$) асосида сезиларли фарқлар кузатилди ва уларнинг ишончилиги аниқланди ($U=11,31$; $=p\leq 0,001$).

Олинган натижаларга кўра, Ёшлар ишлари агентлигининг ҳудудий бўлимларида ходимларнинг ишга жалб қилинганлик даражаси кўрсаткичлари мутахассисларда юқори бўлмаганлиги сабабли уларни рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш керак бўлади (1-жадвал).

¹³ Сўровнома маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

1-жадвал

Mann-Whitney мезони асосида раҳбар ва мутахассислар тафовутларининг кўрсаткичлари¹⁴

Мезон	Гуруҳлар		U	P
	Раҳбар N=65	Мутахассис N=65		
Ишга жалб қилинганлик даражаси	97,5	33,0	11,31	0,001**

Изоҳ: $p \leq 0,001^{**}$.

Жон Мейер ва Натали Алленнинг «Ташкилий содиқлик ўлчови» методикаси бўйича ўтказилган анкета-сўровномасида ҳам Ёшлар ишлари агентлиги ҳудудий бўлинмаларининг 281 нафар ходими иштирок этди.

2-жадвал

«Ташкилий содиқлик ўлчови» методикаси бўйича норматив мезонларнинг олинган натижалар билан қиёсий таҳлили¹⁵

T/P	Мезон	Норматив миқдор (методика бўйича)	Сўровнома бўйича олинган натижа
1.	Эмоционал содиқлик	4,1	4,6
2.	Доимий содиқлик	3,9	3,8
3.	Норматив содиқлик	3,8	4,3

Олинган натижалардан кўриш мумкинки, Ёшлар ишлари агентлигининг ҳудудий бўлинмалари ходимлари ўртасида эмоционал ва норматив содиқлик даражаси норматив миқдор даражасидан юқори (2-жадвал). Доимий содиқлик даражаси эса, белгиланган меъёрга нисбатан паст кўрсаткични қайд этди. Бундан хулоса қилиш мумкинки, Ёшлар ишлари агентлигида мажбурий муносабатда ташкилотга нисбатан содиқ бўлган ходимлар кам.

Ёшлар ишлари агентлиги тизимида олиб борилган изланишларга асосан ходимларни бошқаришнинг ташкилий-мотивацион тизимининг устувор йўналишлари аниқланган (2-расм). Ёшлар ишлари агентлигида ходимларни бошқаришнинг ташкилий-мотивацион тизимининг устувор йўналишларини аниқлаш орқали кадрларни жалб қилиш, танлаш ва уларнинг имкониятларини юзага чиқариш, ходимларни ўқитиш ва ривожлантириш, уларни баҳолаш ва самарали мотивация бериш, кадрлар захирасини шакллантириш, натижадорлик ва иқтидорларни бошқариш жараёнларини

¹⁴ Маълумотларни қайта ишлаш дастури SPSS 26.0 версиясида «Gullup Q12» методикаси асосида ўтказилган N281-сўровнома натижалари асосида муаллиф томонидан тузилган.

¹⁵ Муаллиф томонидан тузилган.

тизимли таҳлил қилиш имконияти пайдо бўлди. Бу орқали Агентликда ходимларни бошқариш тизмидаги мавжуд камчиликларни топиш ва уларни бартараф этиш учун аниқ ва мақсадли чора-тадбирларни қўллашимиз мумкин бўлади.



2-расм. Ёшлар ишлари агентлиги тизимида ходимларни бошқаришнинг ташкилий-мотивацион тизимининг устувор йўналишлари¹⁶

Диссертациянинг учинчи боби «Ташкилотда ходимларни бошқаришнинг ташкилий-мотивацион механизмини такомиллаштириш истиқболлари» деб номланиб, бунда Ёшлар ишлари агентлигида ходимларни бошқаришнинг ташкилий-мотивацион тизимидаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари ҳамда янги ислохотлар шароитида ёш ходимларни бошқаришнинг ташкилий-мотивацион механизмини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари, ходимларнинг иш

¹⁶ Муаллиф ишланмаси.

самарадорлигига таъсир этувчи мотивацион омиллар тадқиқ этилган.

Муаллиф томонидан замонавий менежментда кенг қўлланилаётган HR-метрика ўлчов тизимидан фойдаланган ҳолда Ёшлар ишлари агентлигида ходимларни бошқаришнинг ташкилий-мотивацион тизими таҳлил қилинди. Жумладан:

Кадрлар қўнимсизлиги даражаси. Ўзбекистонда ёшлар ташкилотларининг 5 йиллик фаолияти бўйича кадрлар қўнимсизлиги таҳлил қилинди. Бунда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ва Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг ҳудудий бўлинмаларида фаолият юритувчи ходимлар статистикаси асос қилиб олинди. Ёшлар ишлари агентлиги Ёшлар иттифоқининг ҳуқуқий вориси ва юқори турувчи ташкилот бўлганлиги учун ушбу маълумотлардан фойдаланиш асосли деб ҳисоблаймиз.

3-жадвал

Ёшлар ташкилотларининг ҳудудий ва маҳаллий бўлинмаларида фаолият юритувчи ходимларнинг қўнимсизлик кўрсаткичи¹⁷

Йиллар	Ходимларнинг умумий сони	Ишдан бўшаганлар сони	Кадрлар қўнимсизлиги кўрсаткичи (%)
Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи			
2017	1459	180	12,3
2018	1459	75	5,1
2019	1459	85	5,8
2020	1459	92	6,3
2021	598	117	19,6
Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги			
2020	766	122	15,9
2021	766	80	10,4

Олинган таҳлилий маълумотлар асосида (3-жадвал) кадрлар қўнимсизлигини аниқлаш бўйича мавжуд қуйидаги формуладан фойдаланилди¹⁸:

$$K_{\text{кн}} = \frac{X_{\text{иб}}}{X_{\text{ўс}}} \times 100\% \quad (1)$$

Бунда:

$K_{\text{кн}}$ – кадрлар қўнимсизлиги даражаси;

$X_{\text{иб}}$ – ишдан бўша(тил)ган ходимлар сони;

$X_{\text{ўс}}$ – ўртача ходимлар сони.

Кадрлар билан ишлаш бўйича 1 та мутахассисга тўғри келадиган умумий ходимлар сони. Бу кўрсаткич Агентликнинг кадрлар хизмати

¹⁷ Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ва Ўзбекистон ёшлар ишлари агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

¹⁸ Бердникова, Л. Ф. Современные подходы к оценке системы текучести кадров // Молодой ученый. — 2016. — № 9.2 (113.2). — С. 8-10.

салоҳиятини ходимлар сонига нисбатан муқбулликни баҳолаш имконини беради. Уни ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади¹⁹:

$$K_{\text{кмнх}} = \frac{X_{\text{хс}}}{X_{\text{км}}} \quad (2)$$

Бунда:

$K_{\text{кмнх}}$ – кадрлар билан ишлаш бўйича мутахассисларнинг ходимларга нисбати;

$X_{\text{км}}$ – кадрлар бўйича мутахассислар сони;

$X_{\text{хс}}$ – ўртача ходимлар сони.

Юқоридаги формула асосида (2) Агентликнинг марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмалари штатлар жадвалига асосан, бошқарув ходимларига нисбатан кадрлар бўйича мутахассисларни қуйидагича ҳисоблаймиз:

$X_{\text{км}} = 17$ нафар;

$X_{\text{хс}} = 841$ нафар;

$$K_{\text{кмнх}} = \frac{X_{841}}{X_{17}} = 49,5$$

$K_{\text{кмнх}} = 49,5$

Демак, Ёшлар ишлари агентлиги марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмаларида кадрлар билан ишлаш бўйича мутахассисларнинг ходимларга нисбати ҳар 49,5 штат бирлигига 1 нафар кадрлар бўйича мутахассис штат бирлиги тўғри келмоқда. Ушбу кўрсаткични хорижий компаниялар мисолида кўрадиган бўлсак, кадрлар бўлимининг бир ходимига тўғри келадиган иш ҳажми бажариладиган функциялар бўйича таҳлил қилинганда, Россияда ўртача 82 нафар, АҚШ компанияларида эса, ўртача 100 кишига тўғри келади.

Ходимларнинг содиқлик кўрсаткичи (eNPS). Замонавий компанияларда ходимларнинг содиқлик кўрсаткичини аниқлаш кадрлар сиёсатининг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Чунки содиқлик кўрсаткичи бевосита ходимлар мотивацияси ва уларнинг ишдан қониқиш даражаси билан чамбарчас боғлиқ.

Тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган сўровнома асосида 2021 йилнинг январь-февраль ойида Ёшлар ишлари агентлиги ҳудудий бўлинмаларининг 319 нафар ходимининг жавобларига асосан ходимларнинг содиқлик индексини ўлчамимиз мумкин бўлади. Сўровнома асосида олинган натижаларни қуйидагича аниқлаймиз:

$$eNPS = \left(\frac{ПС - ТС}{УРС} \right) \times 100\% \quad (3)$$

Бунда:

eNPS – ходимларнинг содиқлик кўрсаткичи (%);

ПС – промоутерлар сони;

ТС – танқидчилар сони;

¹⁹ Конопляникова Н. 6 ключевых метрик в HR. [Электронный ресурс] URL: <https://1-a-b-a.com/blog/show/481>

УРС – умумий респондентлар сони.

Юқоридаги формула асосида (3) ўтказилган сўровнома натижаларидан келиб чиқиб, Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари ходимларининг ишга содиқлик даражаси қуйидагича ҳисобланади:

ПС = 138 нафар;

ТС = 95 нафар.

$$eNPS = \left(\frac{138 - 95}{319} \right) \times 100\% = 13,47\%$$

eNPS = +13,5%

Олинган қийматга кўра, Агентликда ходимларнинг содиқлик кўрсаткичи +13,5 % ни ташкил қилади. Индекснинг назарий қиймати – 100 дан +100 гача оралиқни ташкил этади. Лекин жаҳон амалиётида ходимларнинг ишга содиқлик кўрсаткичи 0 дан паст ёки 0 дан +10 фоизгача бўлса, ташкилотнинг барқарор ривожланиш эҳтимоли юқори эмаслигини кўрсатади²⁰. Демак, Агентликда ходимларнинг содиқлик кўрсаткичи 13,47 фоизни ташкил қилиб, ушбу миқдор минимал қиймат (+10%гача)дан 3,5 фоиз юқори эканлигини кўрсатмоқда. Бу эса, ходимларни Агентликда малакали кадрларнинг ишдан кетиш хавфи паст даражада эканлигини, ишдан қониқиш ва ишга нисбатан дахлдорлик ҳисси ҳам сезиларли даражада мавжуд эканлигини кўрсатмоқда.

Ташкилотда вакансияларни тўлдириш тезлиги. Замонавий корхоналарда вакансияларни тўлдиришга катта эътибор қаратилади. Вакансияларни тўлдириш тезлигини амалиётда қуйидагича ҳисоблаш мумкин²¹:

$$ВТТ = \frac{УВЁВ}{УЁВС} \quad (4)$$

Бунда:

ВТТ – ўртача вакансияларни ёпиш тезлиги;

УВЁВ – умумий вакансияларнинг ёпилган вақти;

УЁВС – умумий ёпилган вакансиялар сони.

Ёшлар ишлари агентлигидан олинган маълумотларга кўра, 2021 йилнинг март ойи таҳлил қилинганда ой бошида 43 та вакант лавозимлар мавжуд бўлганлиги аниқланди. Ушбу лавозимлар ой охири бўйича таҳлил қилинганда ҳар бир вакансияни ёпиш учун кетган кунлар ҳисобланиб, улар бир бирига қўшиб чиқилганда 968 кун эканлиги аниқланди. Демак, ўртача умумий вакансиялар учун кетган кунни ҳисоблашда қуйидаги амални бажарамиз.

²⁰Методика исследования лояльности персонала. [Электронный ресурс]. URL: <https://happy-job.ru/types-of-surveys/loyalty-survey-and-eNPS>

²¹ Леонова Е. 20 базовых HR-метрик, которые помогут измерить эффективность работы компании. [Электронный ресурс]. URL: <https://hurma.work/ru/blog/20-bazovyh-hr-metrik-kotorye-pomogut-izmerit-effektivnost-raboty-kompanii/>

$$\text{ВТТ} = \frac{968}{43} = 22,5$$

ВТТ=22,5

Олинган маълумотга кўра, ўртача вакант лавозимларни ёпиш 22,5 кунни ташкил этади. Халқаро инсон ресурсларини бошқариш профессионал жамияти – SHRMнинг маълумотларига кўра, ўртача вакант лавозимларни тўлдириш 26 кунни ташкил этади²². Бу Агентликда мавжуд вакансияларни жаҳон стандарти бўйича тўлдириш тезлигидан камроқ эканлигини кўрсатмоқда.

Ходимларни ўз иш фаолиятига жалб қилинганлик даражасини аниқлашда умумэтироф этилган халқаро Gallup Inc. компанияси томонидан ишлаб чиқилган «Gallup Q12» методикасидан фойдаланилди²³. Унга кўра жами 281 нафар Агентлик ходимлари ўртасида сўровнома ўтказилиб, улар орқали ходимларнинг ишга жалб қилинганлик даражаси ўрганилди. Ходимларнинг иш фаолиятига жалб қилинганлик даражаси қуйидаги формула асосида ҳисобланди²⁴:

$$\text{ЖКД} = \frac{\text{ИЖБ}}{\text{БСС}} \times 100\% \quad (5)$$

Бунда:

